O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI

Миллий тиклaниш — миллат келажаги

MILLIY TIKLANISH

2006-yil, 9-avgust, chorshanba, 32 (362)-son.

Gazeta 1995-yil, 10-iyundan chiqa boshlagan

Haftalik gazeta

O'zbekiston "Milliy tiklanish" demokratik partiyasining ijtimoiy, siyosiy, iqtisodiy gazetasi

КЎҲНА ВА НАВҚИРОН УРГАНЧ

Бу шаҳарнинг номи тарихнинг қадим саҳифалари билан боғлиқ. Айниқса, Истиқлол йилларида Урганч тубдан ўзгарди. Ҳам иқтисодий, ҳам маънавий, ҳам маърифий юксалишлар қамровида бир ҳуснига ўн ҳусн қўшилди.

Бу йиллар давомида Хоразмдан етишиб чиққан Нажмиддин Кубро, Жалолиддин Мангуберди, Муҳаммадризо Огаҳий каби буюк зотларнинг табаррук тўйлари ҳам мамлакатимиз миқёсида кенг нишонланди. Жалолиддин Мангуберди хотирасига вилоят марказида муаззам ҳайкал ўрнатилди.

Ушбу хотира майдонининг яқинида халқимиз маънавиятининг ноёб ёдгорлиги «Авесто»нинг 2700 йиллиги муносабати билан «Авесто» боғи яратилди.

Урганч шаҳри сўнгги йилларда янада кўркамлашмоқда. Истироҳат боғлари қайта қурилди, янги бозорлар барпо этилди, замонавий мактаб ва коллежлар ёшлар ихтиёрига топширилмоқда.



Яқинда «Миллий тикланиш» демократик партияси Юнусобод туман кенгаши ташаббуси билан «Бободеҳқон» маҳалласи хотин-қизлари ўртасида давра суҳбати бўлиб ўтди.

ЗАМОНАВИЙ АЁЛ ВА БУГУНГИ ЎЙЛАР

Партиянинг Тошкент шаҳар кенгаши раиси Жаннатой Тошматова кенгаш фаолияти ва унинг мақсадлари хусусида гапирди. Партия фаолларидан Гулжаҳон Мардонова «Замонавий аёл ва бугунги ўйлар» мавзуида маъруза қилди.

ЎзМТДП Марказий кенгаши мутахассиси Танзира Холтоева даврадигиларга партия тарихи, рамзи, низоми ва дастури ҳақида сўзлаб берди. Шунингдек, маҳалладаги фаол аёллар ҳам хотин-қизлар ўртасида олиб борилаётган жамоатчилик ишлари ҳақида сўз юритишди. Маҳалла хотин-қизлар қўмитаси раиси Эркиной Мирзаева, диний-маърифий ишлар бўйича мутахассис Маъмура Мўминова, «Ўсмир» ёшлар техник ижодиёт уйи директори Саодат Худойқулова аёллар фаоллигини ошириш борасида сиёсий партиялар, шу жумладан, «Миллий тикланиш» демократик партиясининг ўрни сезиларли бўлаётганлигини таъкидлаб ўтишди ва партиямиз сафларида бўлиш истагини билдиришди.

Матлуба ИБРАГИМОВА,
ЎзМТДП Юнусобод туман кенгаши раиси.

Куни кеча Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтида ўтказилган «Жамиятни демократлаштириш ва янгилаш шароитида нодавлат нотижорат ташкилотларининг ўрни ва уларнинг фаоллигини оширишда оммавий ахборот воситалари билан ўзаро ҳамкорлиги» мавзусига бағишланган давра суҳбатида кўплаб долзарб саволларга жавоб изланди.

КУН ТАРТИБИДА МУҲИМ МАСАЛА

Дарҳақиқат, охирги вақтларда институт ташаббуси билан сиёсий партиялар ва бошқа жамоат бирлашмалари фаолиятини ўрганиш, уларнинг оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлигини янги босқичга олиб чиқишга қаратилган кўплаб самарали тадбирлар ўтказиб келинмоқда.

Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва ОАВ вакиллари иштирок этган ушбу тадбирда ҳам самарали ҳамкорликни йўлга қўйишда тўсиқ бўлаётган муаммоли ҳолатлар таҳлил қилинди ва уларнинг ечими бўйича фикрлар билдирилди. Қуйида давра суҳбатида билдирилган айрим фикр-мулоҳазаларни эътиборингизга ҳавола этишни лозим топдик.

Ч.Латипов, «Маҳалла» газетаси бош муҳаррири:

— Тан олишимиз керак, кўпчилигимиз НТТ нималигини яхши билмаймиз. Масалан, биргина «Маҳалла» институтига тўхталсак. ОАВ ўз хабарларида баъзи ҳолларда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органи бўлмиш маҳалла йиғинларини давлат ҳокимиятининг бир қисмидек тасвирлашини кузатамиз. Ҳатто баъзи маҳалла оқсоқолларининг ўзлари ҳам маҳалла бу НТТ эканлигини яхши билишмайди. Берган саволларимизга «Маҳалла кичик ҳокимиятда» дегувчи маҳалла фаоллари ҳам бор...

Ф.Абдураҳмонов, Ногирон тадбиркорлар ассоциацияси вакили:

— НТТ фаолияти ҳақида ОАВда, маълум тадбир ўтказилди тарзидаги хабарлар берилади, холос. Албатта, қилинаётган тадбирларни ёритиш яхши, аммо муаммоларни қайд этиш, уларни таҳлил этиш ҳам ОАВ фаолиятининг асосий вазифаларидан бири бўлиши керак, назаримда. Ҳозирги кунда НТТ ўзича, ОАВ ўзича фаолият кўрсатаяпти, ҳамкорлик муносабатларини яхши деб бўлмайди... Тошкентда рўйхатга олинган 120 та НТТнинг 3 тасигина ўзининг нашрига эга. Бу ҳам ўйлаб кўрилиши зарур бўлган масаладир.

Г.Ҳидоятова, Нодавлат нотижорат ташкилотлари ассоциацияси вакили:

— НТТ ва ОАВ ўртасидаги ҳамкорлик етарли даражада йўлга қўйилмаган. Ва айтиш керакки, ҳозирда НТТ томонидан журналистлар ёритиши зарур, асосийси, жамоатчилик учун қизиқ бўлган кўплаб ишлар амалга оширилмоқда. Бу ишлар давлат ва халқ манфаати йўлида қилинаяпти. Бу борада ОАВ вакилларини янада фаолликка ундаймиз.

Ўз мухбиримиз.

ФАОЛЛАР ТАШАББУСИ

ЎзМТДП Марказий кенгаши, партиянинг Тошкент шаҳар кенгаши ҳамда Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти ҳамкорлигида «Ёшлар қаноти фаолиятини такомиллаштириш: муаммолар, изланишлар ва ечимлар» мавзуида ўқув-семинар ўтказилди.

* * *

Партиянинг Бухоро вилоят кенгаши ташаббуси билан «Тарихий мерос ва унинг ёшлар маънавиятини шакллантиришдаги ўрни» мавзуида тадбир бўлиб ўтди.

* * *

ЎзМТДП Наманган туман кенгаши томонидан хотин-қизлар ўртасида касаначиликни ривожлантириш мақсадида «Ҳунарли киши хор бўлмас» мавзуида давра суҳбати ўтказилди.

* * *

Партиянинг Қашқадарё вилоят Шаҳрисабз туман кенгаши ташаббускорлигида тумандаги «Чоршанбе» маҳалла фуқаролар йиғинида «Миллий тикланиш ва ёшлар» мавзуида давра суҳбати уюштирилди.

* * *

ЎзМТДП Бухоро шаҳар кенгаши томонидан шаҳар «Кредо» кредит уюшмасида «Кредит олишнинг афзалликлари» мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди.

* * *

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 15 йиллиги олдидан ЎзМТДП Навоий шаҳар кенгаши ташаббуси билан «Ўзбекистон — Ватаним, фахрим, ғурурим» шиори остида тадбир ўтказилди.

* * *

ЎзМТДП Бухоро вилоят Шофиркон туман кенгаши томонидан 2006 йил — Ҳомийлар ва шифокорлар йили муносабати билан «Халқ соғлиғи — юрт бойлиги» мавзуида учрашув ўтказилди.

* * *

Партиянинг Сурхондарё вилоят Жарқўрғон туман кенгаши ташаббуси билан «Қонун — ҳаёт пойдевори» мавзуида давра суҳбати уюштирилди.

* * *

ЎзМТДП Марказий кенгаши ва Фарғона вилоят кенгаши ташаббуси билан Фарғона вилоят Данғара саноат коллежида «Миллий ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти» мавзуида Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти вилоят филиали ва партиянинг Фарғона вилоят, шаҳар, туман кенгаши раислари, партия фаоллари ва маҳаллий кенгашларга партиядан сайланган депутатларнинг семинар-ўқуви ўтказилди.

ЎзМТДП Марказий кенгаши матбуот хизмати.

Газетанинг шу йил 26 июль сонида «Тўй — ўй» номли мақола эълон қилиниб, унда тўйларимиз, тўйдан олдин ўтказиладиган айрим одатларимиз тўғрисида фикр-мулоҳазалар билдирилганди. Шундан кейин ушбу мавзуда таҳририятга кетма-кет хат-хабарлар келди. Биз қуйида улардан бирини эълон қилаяпмиз.

ПУЛ КЕТСА КЕТСИН, ОБРЎ КЕТМАСИН

ёхуд серҳашам тўю маъракалар хусусида

Яқинда бир курсдошим уйланди. Тўйдан олдин менга бозорга тушайлик, деб илтимос қилган эди. Бозорга боргач, у келинга тилло узук ва ўзига "тузукроқ" сарупо олажагини айтди. Хуллас, дўстим боя айтган нарсаларни 400 минг сўмдан зиёдга харид қилди. Биласизми, одамни ўйлантирдигани у ҳар йили тўлов-контракт пулини вақтида тўлолмай огоҳлантириш олиб юради...

Биз болажон халқмиз. Одамларимиз топган-тутганини фарзандларининг камоли учун сарфлайди. Айниқса, уларга атаб қиладиган тўю томошаларни айтмайсизми? Тўйларимиз ҳам ўзига хос. Туғилган кундан тортиб қариб-қартайганда ҳам тўю маъракаларнинг кети узилмайди. Бешик, ақиқа, суннат, келин, пайғамбар тўй... Дарҳақиқат, бундай маросимлар халқимизнинг бир неча минг йиллик тарихи билан бирга яшаб келаяпти. Мана шу давр мобайнида одамлар оилада фарзанд дунёга келганда, вояга етганда ёки янги оила қарор топганда, уни байрам сифатида нишонлашган. Қариндош-уруғ йиғилган, қўй-қўзилар сўйилган, каттакатта дошқозонларда ошлар дамланган. Полвонлар курашга тушса, чавандозлар улоқ чопишган. Хуллас, бутун овул байрамга бурканган. Қизиғи шундаки, ўша пайтдаги тўйлар ҳақида бизгача етиб келган маълумотларга кўра, ҳар бир одам ўз аҳволини билиб маъракага ўтказган. Ортиқча дабдабабозликка берилмаган ва сарф-харажатлар қилмаган.

Бугун эса, таассуфки, баъзи одамлар тўй ўтказаман деб нималар қилмаяпти, дейсиз. Бор-будини сотиш у ёқда турсин, бўйнигача қарзга ботаётганлар, сир эмаски, анчагина. Бу мавзу оммавий ахборот воситаларида керагидан ортиқ ёритилаяпти. Бироқ, не сабабки, бу борада ҳалиям мақтанолмаймиз. Боиси, пул кетса кетсин, обрў кетмасин, деган баъзи бир юртдошларимиз шундай тўй-томошалар қилаяптики, бу жамиятимизда бир қатор тушунмовчиликларни келтириб чиқараётир. Аввало, кўпчилик ота-оналар фарзандларининг импорт мебеллар, казо-казо ресторанда тўй ҳамда таниқли хонандаларни олиб келишни талаб қилишаётганига ноилож рози бўлиб, боши қарздан чиқмаяпти.

Қолаверса, она-ю момоларимизнинг тўй ва тўйдан кейинги йиғди-йиғдиси, олди-бердилари — барчаси оилаларнинг молиявий аҳволига салбий таъсир кўрсатмоқда. Хўш, бундай бўлишига сабаб нима? Одамларимиз шу даражада омимики, бундай ортиқча харажатларнинг керакмаслигини тушунмаса!

— Тўғриси, бунақанги дабдабабозликни ҳамма ўтказаётгани йўқ, — дейди деновлик Турсун ота Бойқобилов. — Ана ўша "баъзи биров"ларгина кўпчилик устидан ҳукм чиқарилишига сабаб бўлаётир. Ҳаммаям ошиб-тошиб ётгани йўқ, қолаверса, ҳисоб-китоб қилишда меъёрдан чиқишмайди. Энди, кўпнинг ичида битта-яримта топилади, яъни иложи борича ўзини кўрсатгиси келади. Фалон киши қилган ишни мен қилолмайманми, деб қўпол қилиб айтганда, сиғмаган этикка баттар зўр беради. Бундай кишилар одатда орқа-олдини ўйламай иш кўради.

Бу фикрда ҳам жон бор. Бироқ, ана ўша "битта-яримта"лар бутун бошли маҳалланинг камида ярмини ташкил этади. Устига-устак улар атрофдагиларни ҳам мана шу йўлни танлашга мажбур қилишади-да! Шу ўринда яна бир гап. Бугун аҳолимизнинг катта қисми қишлоқларда истиқомат қилади. Табиийки, қишлоқлардаги

Мавзуга қайтиб

тўйлар ҳам ўзгача ўтади. Бундай дейишимизга сабаб шаҳарда турли тўйхона ва ресторанларда ўтказилаётган маъракаларнинг ташвиши камроқ. Санитария-гигиена қоидаларига ҳам риоя этилади. Биласиз, қишлоқларимизда тўйлар асосан пишиқчилик пайтида, яъни август-октябрь ойларида бўлади. Ўтган йили бир тўйда бўлганман. Кун иссиқ. Устига-устак, айни гармсел маҳали. Атроф чанг-тўзон. Усти очиқ қозонда қайнатма тайёрланаяпти. Одамлар йиғилган. Аввалига эркакларга таом тортилди. Овқат сузилаётган алюминий товоқлар собиқ шўро даврида қолган. Қошиқ, санчқилар ҳақида гап бўлиши мумкин эмас. Бу идиш-товоқлар қишлоқдаги барча маъракаларни ўтказади. Аввал, катта ёшдагилар, ёш болалар, кейин аёлларга овқат тарқатилади. Боиси, идиш-товоқ етмайди-да. Энди, ўзингиз айтинг, бундай тўй-томошадан кимга фойдаю, кимга зарар?

Тўйларимизда роса урф бўлган турнақатор машина қўшишлар ҳақида ҳам икки оғиз сўз.

— Болам, ҳозирги ёшларга ҳайронман, — дейди қашқадарёлик Майрам момо. — Ахир, бундан 60 йил бурун раҳматли хўжайиним мана шу қишлоққа отда уч қишлоқ наридан олиб келган. Ҳозирчи, ён қўшнилар турмуш қуришса ҳам 10 та "Нексия"сиз тўй тўй эмас. Машиналар бутун қишлоқни бошига кўтариб, бир-бирини қувишиб ўйнайди. Уйим йўл устида, шу боис кўплаб кўнгилсизликларга гувоҳ бўламан. Ўтган йили мана шу қувлашмачоқни деб ажойиб тўй мотамга айланди. Худо кўрсатмасин, болам. Бу нарса фақат қишлоқдами, десам, йўқ, шаҳарда бундан ортиқ бўлса бордир, кам эмас. Набирамни уйлашганда кўрдим, уларга ўзимизнинг машиналар кор қилмас экан. Оти эсимда турмайди, лимизинми, пимизинми деган четнинг машинаси бор экан. Шуни олиб келасиз, деб куёв отаонасини безор қилиб юборди. Бу зормандаям соатига 100 мингдан камига юрмас экан. Ундан кўра ўша пулга рўзғорга зарур бўлган бирор нарса ол, ҳайронсан киши.

Бугун биз мутлақо янги бир даврда яшаяпмиз. Қилаётган тўю томошаларимиз ҳам шунга мос бўлса нур устига нур бўларди. Камтаргина ва шинамгина тўйга нима етсин. Ҳатто, биласиз оилавий тўй-ҳашамларни ўтказишда ўтакетган шуҳратпарастлик, дабдабабозлик исрофгарчиликка йўл қўймаслик мақсадида Президентимиз томонидан 1998 йил октябрь ойида иккита Фармон қабул қилинган эди. Уларда хўжакўрсинга ўтказилаётган тўй-маъракаларни тартибга солиш, бу борада жойлардаги маҳаллий ҳокимиятлар вакиллари томонидан қатъий назорат ўрнатиш таъкидланганди. Зеро, айрим мансабдор шахслар ва бир-икки сўм топиб, босар-тутарини билмай қолган кишиларнинг калтабин ўйлари туфайли азалий қадриятимиз бўлмиш тўйнинг моҳияти ўзгариб, ёшларимизнинг маънавий тарбиясига салбий таъсир кўрсатмоқда. Агар ўзидан ортадиган маблағи бўлса, йўллар қурсин, етим-есир, бева-бечораларга ёрдам берсин. Мана шу йўл билан халқнинг оғзига тушсин.

Яқинда Интернетда тарқалган хабарга кўзим тушганди: дунёнинг биринчи ва иккинчи рақамли миллиардерлари Бил Гейтс ва Уоррен Баффетлар Африка, умуман, дунё аҳолисини қашшоқликдан қутқазиш ва юқумли касалликларга қарши курашишга йўналтирилган йирик фонд тузишди. Ўзларининг катта мулкини мана шу фондга ажратиб берди. Улардан ўрнак олса бўлади. Бундан ташқари, халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган меҳр-саховат, инсонпарварлик ғояларини айтмайсизми...

Қобил ХИДИРОВ.

Сувсиз ҳаёт йўқ. Бироқ унинг қадри ҳар жойда ҳар хил. Ер куррасининг тўртдан уч қисмини оби ҳаёт ташкил қилади. Инсон танасида олтмиш беш фоиз сув бор. Сув танқислиги борасида эса башарият неча замонлардан бери қайғуриб келади. Тоза ичимлик суви ноёб ва нодир неъмат сифатида ўз қадрини тобора кўпроқ намоён қилиб бормоқда. Инсоният техника асрининг кўпинча саломатликка зиён келтирувчи оқибатлари билан «бўғилиш» даражасига келган айни замонда экологик тизимнинг у ёки бу томондан издан чиқиб боришида сувнинг ифлосланиши муаммоси ҳам долзарб бўлиб қолмоқда.

Сув — шифо манбаи

Ёзнинг жазирама иссиғида оби ҳаёт билан боғлиқ муолажалар кўп қўлланилади. Сув — даволаниш воситаси, шифо манбаи ҳамдир. Фақат бу муолажани амалиётда қўллаш учун ҳам чуқур илм керак.

Тошкентда В.С.Митрофанов номидаги соғломлаштириш мажмуи борлигини кўп марта эшитганмиз. Сув муолажасини амалиётда қўллаш, саломатликка дахлдор қилиш таклифи билан чиққан номдор спортчи ушбу масканнинг биринчи директори бўлган. Бу ерда 1964 йили ёпиқ ҳовуз, 1983 йили ёзги ҳовуз иншоот қисмлари бунёд этилган.

Айни пайтда Маҳмуд Собиров ушбу мажмуанинг раҳбари, 46 ёшдаги табиатан спортчи, кўринишидан келбатли, саломатлиги юзу кўзидан кўриниб турадиган бу инсоннинг ўзига хос ҳаётий тажрибаси бор. Ёздагина эмас, қишда ҳам сувда чиниқиш амалиёти билан шуғулланиш шамоллаш ва унга яқин хасталикларга қарши энг яхши иммунитет бўлади, дейди у ва бошқаларни ҳам шунга даъват этади. Маҳмуд аканинг қизи Гўзал Собирова сувда сузиш бўйича спорт устаси бўлганини эшитиб, у кишининг ҳаётий тажрибалари билан яқиндан танишишга қизиқиб қолдик.

Суҳбатдошимиздан бу ерда яратилган шарт-шароитлар ҳақида сўрадик. Албатта, муолажа ҳовузларида тиббиёт талаблари даражасида мусаффолик, тозалик, саломатлик учун зарур кимёвий элементлар бўлиши керак. Сувни вақтида янгилаб туриш шарт. Бу борада Миробод тумани санитария-эпидемиология назорати бўлими тавсияларига амал қилиб келинмоқда. Сув ҳавзасидаги муолажа мураббийлар назорати остида ўтказилади. Қарабсизки, сузишни билмайдиганлар ҳам бир ой давомида чаққон сузувчи даражасига етиб қоладилар.

Сув спортининг фойдали томонлари кўплигини ҳамма ҳам билмаса керак.

— Соғломлаштириш мажмуига турли тоифадаги беморлар шифоталаб бўлиб келишади. Улар орасида танасининг бел соҳаси қийшайган (сколиоз)лар, қайсидир сабаб билан кўзи яхши очилмаган гўдаклар ҳам бор,— дейди суҳбатдошимиз.— Уларни даволаш учун вақт, билим, шифокор ҳамда мураббий ҳамкорлиги зарур. Ишимиз самарали бўлаётгани боис келгуси йилда қўшимча 50 нафар болани қабул қилишга мўлжалланган сув ҳавзаси бунёд этилади.

2006 йили — Ҳомийлар ва шифокорлар йили

Биз аёл мураббийлар ҳақида сўрадик. Икки нафар аёлни суҳбатга чорлашди. Барно Аҳмедова, Галина Гусаровалар шифо топаётганларнинг қувончига шерик эканликларидан мамнунликларини айтишди. Улар суҳбат давомида сувда чиниқиш қизларимизнинг турли хасталикларга чидамли, қоматлари сарвдай бўлишида жуда фойдали эканлигини таъкидлашди.

— Аввалроқ ўзим ҳам шу жойда даволангандим. Мақсадим озиш ва танамдаги ортиқча тузлардан халос бўлиш эди. Бунга эришдим. Энди фарзандларимни ҳам чиниқтириш ниятидаман,— деди Учтепа туманидан келган Шоира Асрорхўжаева.

Дарҳақиқат, шифо масканида бирор хасталикка чалинганларгина эмас, соғлом кишилар ҳам кўп вақтини ўтказишга одатланиб қолишган.

— Европа, Жаҳон олимпия ўйинлари чемпиони бўлган Эркин Шагаев, 2002 йилда Токиода бўлиб ўтган олимпиадада бронза медалини қўлга киритган Светлана Бабанина ва Сергей Конов, сузиш бўйича Осиё мусобақаларининг қатнашчилари Равил Негаев, Олег Ряшко, республика чемпиони Шерали Абдурахмоновлар шу жойда тайёргарлик кўришганидан фахрланамиз,— деди соғломлаштириш маскани ходими Эмиля Азимова. — Дарвоқе, мураббия аёллар сафи ҳам кенгайиб бормоқда. Уларнинг энг таниқлиси ва тажрибалиси 23 ёшли Саида Искандаровадир. У ёш бўлишига қарамай, халқаро мусобақаларда қатнашган.

Республика Касаба уюшмалари федерацияси тасарруфидаги мазкур сув ҳавзасида кам таъминланганлар, меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари, ногиронлар ва қарияларга имкон қадар ҳомийлик қилинаётганини билгач, жамоага чин дилдан муваффақиятлар тиладик.

Насиба ОЧИЛОВА.

«МУСТАҚИЛЛИК САОДАТИ — АЁЛ ТАҚДИРИДА» кўрик-танловига

Сурхон воҳаси азал-азалдан дўппидўзлик, зардўзлик, каштачилик, атторлик, дурадгорлик, гиламдўзлик каби кўплаб касбларни санъат даражасига кўтарган ҳунармандлар ва чеварлар юрти ҳисобланади.

ЗАР ДЎППИ ЗАРГАРИ

Президентимизнинг 2006 йил 5 январдаги «Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони касаначилик билан шуғулланадиган бир қатор юртдошларимиз, тадбиркорлар қаторида сурхондарёлик ёш тадбиркор Фазилат Ҳайитованинг ҳам дилидаги орзу-умидлари, ниятларининг ифодаси бўлди.

Асосан дўппидўзлик, зардўзлик, каштачилик, тикувчилик билан шуғулланувчи Фазилат Ҳайитова хонадони ҳамиша ҳунар ўрганиш ниятида келган қизлар билан гавжум.

— Илк ишим бир зар дўппини бузиб, қайта тикишдан бошланган. Кейин яна бир бошқа бичимдагисини бузиб, тикдим. Назаримда, менинг тикканларим чиройлироқ чиқди. Шундай қилиб зар дўппи тикишни бошладим. Кейинчалик опам, сингилларим ёнимга киришди. Онам эса биз тиккан дўппиларни бозорга олиб чиқардилар. Ҳозирга келиб эса Термизнинг марказий бозорида опам ва сингилларим билан биргаликда тайёрлаган дўппи, зардан гул туширилган миллий либослар, чопон ва камзуллар билан савдо қилувчи дўконларимиз бор. Ҳунарим билан «Ташаббус-2003» танловининг шаҳар босқичида учинчи ўринга сазовор бўлиб, «Энг ёш тадбиркор» номинациясини олдим. Мана, икки йилдирки, баҳор ва куз мавсумларида тикувчилик бўйича ўқув курслари очиб, чеварликка, зарчиройли хиром қилади. Бир неча бор «Қувноқлар ва зукколар» бахсларида, санъат байрамларида қатнашиб, фахрли ўринларни эгаллаган. Биз Фазилатнинг ишлари, ҳаёти билан танишар эканмиз, Яратган истеъдодни инсонга шингиллаб эмас, улгуржи беради, деган гапнинг нақадар тўғрилигига иқрор бўлдик. Мангузар қишлоғилик Эгамберди ака ва Сафархол опанинг Фазилат қизлари ўз меҳнати, ғайрат-шижоати билан ўрнак бўлишга арзирли қиз эканлигига ишондик ва партиямиз сафида Фазилатдек аъзолар борлигидан дилимиз қувончга тўлди.

дўзликка қизиқувчи талабгорларни ўқитиш билан бирга, ўзим ҳам инглиз тили ва компьютер сабоқларини ўрганяпман, — дейди Фазилатхон.

Фазилатнинг санъатга ҳам меҳри баланд. Қўшиқ айтади,

Нилуфар КАРИМОВА,
ЎзМТДП Сурхондарё вилоят кенгаши мутахассиси.

ВАҚТ — БАХТ ДЕМАКДИР

— Келинг, синглим, сиз бопидан бор, сифатли, чет элники, мана қаранг...

Мен ўзимга гапираётган ёшгина йигитга, унинг қўлидаги матоҳга бир қарадиму, нари кетдим. Аёллар ички кийими савдоси билан шуғулланаётган бу йигитнинг овози таниш туюлиб, яқинроқ бордим. Не кўз билан кўрайки, қўшни университетда ўқийдиган синфдошим Беҳзод. Ундан ҳол-аҳвол сўраган бўлдим-да, «ўқишлар қалай? дея савол бердим.

— Бир нави, сессияга бориб, имтиҳон топширсам бўлдида,— деди Беҳзод саволим малол келгандай. — Ҳар замонда бир кўриниб турибман.

— Ахир, ота-онанг ўғлим ўқияпти деб ҳар ойда пул жўнатишяпти-ку!

— Э, менга қара, насиҳат қилгани келганмисан, бир амаллаб диплом олсам бўлди-да.

Ўйланиб қолдим. Бу фақат Беҳзоднинг сўзлари эмасди. Нима учундир талабаларнинг кўпчилиги ҳозир шундай фикрлайдиган бўлиб қолишган. Талабалик — олтин давр. Уни бекиҳудага ўтказмаслик керак. Ҳукуматимиз иқтидорли, салоҳиятли кадрлар учун барча имкониятларни яратаётган бир пайтда ёшларнинг аксарияти ўз вазифасига бўлган масъулиятни йўқотиб қўймаяптими? Аждодларимиз игна билан қудуқ қазишдек мушкул иш — илм олиш учун очликни-да, қашшоқликни-да енгганлар. Ҳозир илм оламида юлдузга айланиши керак бўлган ёшларнинг айримлари нима сабабдан бу аҳволга тушиб қолди?

Фикр

Тўғри, меҳнат қилиб пул топиш айб эмас. Аммо бизга умид кўзи билан қараб турган она юртимиз келажаги учун биринчи навбатда яхши ўқиш билан муносиб ҳиссамизни қўшишимиз керак эмасми? Бугун номигагина ўқиб, енгилгина йўллар билан топган пули эвазига вақти чоғлик қилаётган, асосий вақти кинотеатрлару қаҳвахоналарда ўтаётган талаба эртага малакали мутахассис бўлиб етишишига ким кафолат беради?

Яширмаймиз, зарурат, етишмовчилик юзасидан ҳам ўқиб, ҳам ишлаётганлар оз эмас. Бироқ бу — ўқишдан йироқлашиб кетиш, қайсидир оғир кун учун диплом олиб қўйиш дегани эмас-ку! Ўз кучи ва билимига, иқтидорига эмас, чўнтагига таяниб ўрганган одам олий маълумот тўғрисидаги дипломи бўлса ҳам ўз касбининг устаси бўла олмаслиги турган гап. Бу фикрларим билан талабаларнинг меҳнат қилишларини қораламоқчи эмасман. ҳалол меҳнатнинг айби йўқ. Бировнинг томорқасида ерини ағдариб, юкини ташиб, томини суваб бериш, пешона терини тўкиб пул топиш ҳам савоб. Бироқ ёшликда, имкони борида билим олишни эмас, мол-дунё ташвишини кўпроқ ўйлаётган талабани ўқиш, билим олиш учун сарф қилинаётган давлат маблағининг уволи тутмасмикан? Яхши яшашга ҳамманинг ҳам ҳакки бор, дейсизми?! Серҳашам ҳаёт, кўргазмали турмуш кимга ҳам керак, агар сиздан эл-юрт учун бирор фойда бўлмаса! Шуурингизда илм хазинаси бўлмаса чиройли кўғирчоқдан фарқингиз қолмайди-ку!

Кўз ўнгингизда билим ва иқтидори билан юксак поғоналарга кўтарилаётган дўстингиз, сабокдошингизнинг ютуқлари наҳотки сизни қизиқтирмаса, ҳавасингизни келтирмаса! Дўстим, йиллаб талаба бўлиш орзусида юрганлар ҳам борлигини унутманг. Сиз бугун пухта билимни қалбингиз меҳварига жо этсангизгина эртага етти олам хазиналари оёғингиз остида тўшалади. Акс ҳолда ўқиш жараёнидаги умрингиз, ота-онангизнинг орзу-ниятлари — барча-барчаси қуйиб қолаверади.

Элдорбек АКРАМОВ.

Ҳамкорликнинг янги босқичи

ЭКСПОРТГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН ИҚТИСОДИЁТ

Қисқа муддатда иқтисодий жиҳатдан ривожланган давлатлар қаторидан Жанубий Корея ҳам ўрин олди. Хўш, бу мамлакат "иқтисодий мўъжиза"га қандай эришди, деган савол туғилиши табиий. Албатта, бу осонликча қўлга киритилгани йўқ. Аввало, иқтисодий ўсиш суръати йилдан-йилга ошиб борди. Хусусан, 1960 йилдан 1990 йилгача экспорт ҳажмини 30 фоизга оширишга эришилди. Жанубий Корея бугунги кунда жаҳоннинг кўплаб салоҳиятли бозорларини эгаллашга муваффақ бўлган давлат ҳисобланади. Унинг иқтисодий ўсишидаги муҳим омиллардан бири — бу унинг экспортга йўналтирилган иқтисодиётни шакллантира олганлигидир.

Мамлакатнинг иқтисодий тараққиёт йўли таҳлил этилар экан, кўплаб мутахассислар ривожланишда ўта муҳим ўрин тутган икки асосий омилни алоҳида ажратиб ўтади. Бу — миллий иқтисодиётга замонавий хорижий технологияларнинг жалб этилиши ва экспорт салмоғининг йилдан-йилга ошириб борилишидир.

Жанубий Корея ҳукумати импорт борасида ҳам қаттиқ сиёсат юрита бошлади. Бундан кўзланган мақсад энди ўз фаолиятини йўлга қўйган ва хорижий ишлаб чиқарувчилар билан рақобатга у қадар бардош беролмайдиган ички ишлаб чиқарувчиларни ҳимоя қилиш эди. Фаолияти экспортга қаратилган корхоналарнинг мавжуд ички ва ташқи талабни қондира олишларини таъминлаш йўлида уларга зарур бўлган асбоб-ускуналар, хомашё, ярим тайёр маҳсулотлар ва бутловчи қисмларни етказиб беришга алоҳида эътибор қаратилди.

Жорий йилнинг 28 мартида Президентимиз расмий ташриф билан Жанубий Корея Республикасида бўлди. Ушбу ташриф мамлакатимиз раҳбарининг 1992 йилда Тошкент ва Сеул ўртасида дипломатик алоқалар ўрнатилгандан сўнг мазкур давлатга тўртинчи расмий сафари ҳисобланади. Жанубий Корея Президенти Но Му Хён эса 2005 йил май ойида юртимизда бўлганди. Навбатдаги ташриф давомида давлатлар раҳбарлари икки томонлама савдо, инвестициялар, энергетика ва табиий ресурсларни қайта ишлаш масалалари хусусида суҳбатлашдилар. Шунингдек, давлатлар раҳбарлари ҳамкорликнинг истиқболлари борасида ҳам фикр алмашдилар. Юртимиз раҳбари томонидан Жанубий Корея Ўзбекистоннинг Жануби-Шарқий Осиёдаги энг ишончли ҳамкори эканлиги ҳамда мамлакатлар орасидаги икки томонлама савдо алоқалари йилдан-йилга яхшиланиб бораётгани таъкидланди.

Ҳозир юртимизда 138 та ўзбек-корейс қўшма корхонаси фаолият кўрсатмоқда. Нафақат республикамизда, балки қўшни мамлакатларда ҳам машҳур бўлган маҳсулотлари кўплаб МДҲ ва жаҳон давлатларида юқори талабга эга бўлган Асакадаги автомобиль заводи энг йирик корхоналардан бири ҳисобланади.

Юқоридаги ташриф мобайнида имзоланган шартномалар асосида юртимизга Жанубий Корея ҳукумати томонидан 800 миллион АҚШ доллари миқдорида инвестиция киритилиши режалаштирилди. Маблағни ўзаро савдо-иқтисодий алоқаларни яхшилашга, юртимиз ишлаб чиқариш салоҳиятини оширишга, нефть ва газ соҳасида ҳамкорлик асосида иш олиб боришга йўналтириш кўзда тутилган.

Иқтисодий салоҳияти жиҳатидан жаҳоннинг етакчи мамлакатлари билан рақобатлаша оладиган давлат даражасига кўтарилган Жанубий Корея мамлакатимизнинг Осиёдаги энг етакчи ва ишончли иқтисодий ҳамкорига айланди.

Насиба ҲАМДАМОВА,
Тошкент Давлат шарқшунослик институти талабаси.

Инсон меҳнати билан умримиз гўзал. Эзгу ишлар билан ҳаётимиз нурли, кўнгилларимиз хотиржам. Ҳар ким ўз ишига сидқидилдан ёндошса, турмушимиз янада фаровон бўлади. Замондошларимиз орасида касбига садоқатли, изланувчан, инсоний фазилатлари билан одамлар орасида ҳурмат топган кишилар кўп. Биз ана шундай инсонлардан бири ҳақида ҳикоя қилмоқчимиз.

Ўзимизнинг Комил ака

Партия ҳаёти

Комил Исмоиловни ҳаётдан ҳикмат излаб, меҳнатдан завқ топиб яшаётганлар сафига қўшгим келди. Уни нафақат Термизда, балки Сурхон воҳасида ҳам яхши танишади. Вилоят миқёсида ўтган катта-кичик тадбирларда унга эҳтиром билан сўз беришади. У гапини жонли мисоллар билан исботлаб, сўзини топиб сўзлайди. Муаммолар бўлса, шахсий фикрини айтиб, ён-атрофдагиларни уларнинг ечимини топишга ундайди. Энг муҳими, айтган гапларига ўзи ҳам амал қилиб, бошқаларга ибрат кўрсатади. Суҳбатдошини зериктириб қўймайди. Гап орасида қизиқ-қизиқ воқеаларни эслаб, дилкашлиги билан ҳам эътиборингизни тортади.

52 ёшни қоралаган бу инсон ярим асрдан ортиқ умр йўлини одамлар орасида ўтказди, ҳозир ҳам ҳамиша халқ билан бирга. У 1969 йилда меҳнат фаолиятини Термиз туман матлубот жамиятида сотувчиликдан бошлаганди. Мактабни битиргач, бир йил вилоят моддий-техника таъминоти бош бошқармасида ишчи бўлиб ишлади. 1973 йилда Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтига ўқишга кирди. Ўқишни битиргач, «Сурхондарёпахтасаноат» бирлашмасида катта иқтисодчи бўлиб ишлай бошлади. Кейинчалик ҳарбий қисмда молия хизмати бошлиғи, вилоят қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бирлашмасида катта иқтисодчи ва бошқа вазифаларда хизмат қилди. Кейинчалик уни Термиз шаҳар молия бўлими мудири лавозимига лойиқ деб топишди, 1994 йилгача шу ерда ишлади. Мана, ўн икки йилдирки, вилоят давлат солиқ бошқармасида турли лавозимларда ишлаб келмоқда. Оилали, 4 нафар фарзанднинг меҳрибон отаси.

Тақдир уни кўп бор машаққатлар билан синади, матонатини чиғириқдан ўтказди. Энди билаги кучга, қалби Ватанига

бўлган меҳр-муҳаббатга тўлган йигитлик чоғида афғон урушида қатнашди.

Жанговар ҳаракатлари учун кўкси медалларга тўлди. Айни кунларда Комил Исмоилов Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги ахборот-маслаҳат маркази вилоят бўлинмаси раҳбари бўлиб ишламоқда. Асосий вазифаси — солиқ қонунчилигидаги барча ўзгаришларни солиқ тўловчиларга етказиш, уларга амалий-услубий ва ахборот хизматларини кўрсатишдан иборат. У, шунингдек, соҳа ойнаси бўлган «Солиқчи минбари» газетаси ишига бош-қош бўлиб, солиқчиларнинг дилидаги гапларни халққа етказмоқда. Шу билан бирга ўзи яшайдиган маҳаллада оқсоқоллар кенгашининг фаол вакили, ЎзМТДП Сурхондарё вилоят кенгашининг жонкуяр аъзоси ҳамдир.

Комил акадан нима учун "Миллий тикланиш" партиясига аъзо бўлганлигини сўрадим.

— Партия — миллатнинг жон томири, — дейди у киши. — Партиянинг дастури, мақсад ва вазифалари билан танишиб кўрсам, улар менинг феълим билан айнан мос экан. Мен ҳам миллий қадриятларимиз, урф-одатларимизнинг ёшлар қалбидан чуқур ўрин олиши тарафдориман. Биз миллий анъаналаримизга шундай садоқатли бўлайликки, дунёнинг қайси бурчагида бўлса ҳам ўзбекистонлик эканлигимизни биз билан суҳбатлашмасдан аввал билсинлар! Айримлар ёшларимиздан айб ахтаришга ҳаракат қилади. Аввал уларнинг дунёқарашини ўрганайлик, вақти келганда ўринли фикрларини тан олайлик. Аммо бир нарса мени қаттиқ ўйлантиради, кўпчилик ёшларимиз хориж маданиятига тақлид қилишмоқда. Бу ҳақда жойларда ўтказилган йиғилишларда эринмай фикримизни айтайлик, уларни ўзлигимизни қадрлашга ўргатайлик.

Сафдошларимизнинг ҳар бири ана шундай фикрласа, ёшлар тарбиясига жиддий ёндоша олса, ўйлайманки, кўзлаган мақсадларимиз ўз-ўзидан амалга ошади.

Жуманазар АНОРОВ.

Ажабо!

Самарқанд вилояти бўйича жорий йилда олтмишга яқин ширкат хўжалиги негизида фермер хўжаликлари ташкил этилди. Бу Президентимизнинг 2005 йил 8 ноябрдаги 215-сонли қарори ижроси билан боғлиқлиги қувончли. Аммо... тугатилган ширкат хўжаликлари ҳисобидаги кўчмас мулкларни айрим вақтларда "хомталаш" қилиш ҳоллари учраб тургани афсусланарлидир.

АЛОҚА УЙЛАРИ... СОТУВДА

Аччиқ ҳақиқат шундаки, фермерликка айлантириш баҳонасида қатор маданият уйлари таг-туби билан йўқолиб кетди. Шунингдек, аҳолини ташқи ҳаёт билан боғлаб турган алоқа бўлимлари бинолари билан ҳам худди шундай аҳволни кўриш мумкин.

Ургут тумани қўшни Тожикистон билан чегарадош. Тоғли ҳудудларда жойлашган қишлоқлар аҳолиси уяли телефон у ёқда турсин, оддий симли алоқа воситасига ҳам эга эмас. Бу қишлоқлар аҳолиси ҳам газета-журнал ўқиши, хат-хабар, телеграмма жўнатиб-олиши керакми ёки йўқ? Албатта, керак. Бу вазифани шу пайтга қадар қийинчилик билан бўлса-да, туман почта алоқаси тармоғи ва унинг жойларда, тоғ дараларидаги 30 та бўлими бажариб келаётган эди.

Жорий йилда тумандаги "Баҳрин", "Самарқанд", "Меҳнатобод", "Наврўз" ширкат хўжаликлари тугатилиб, ер ҳақиқий эгаларига топширилди. Буни қарангки, собиқ ширкат хўжаликларининг мулки ҳисобланган турли биноларнинг эгалари пайдо бўла бошлади. Тугатиш комиссияси аъзолари фойдаланиб келинаётган бинолардан почта хизмати ходимларини қувиб чиқариб, бу биноларни даъвогарларга топшира бошлади. Бундай аҳвол "Бешёғоч" алоқа бўлими бошига ҳам тушди. Пишиқ ғиштдан тикланган, ҳали узоқ йиллар хизмат қилишга ярайдиган бино лишувлар борлиги сабаб ҳозиргача масала ҳал бўлгани йўқ.

Туман почта алоқаси тармоғи бошлиғи Юсуф Пўлатовдан: "Ургутликлар 430 минг дона матбуот нашрларига обуна бўлишибди. Ҳар чоракда ўртача 11-12 минг дона хат-хабарлар жўнатиб, қабул қиларкансизлар. Бундан ташқари, почта жўнатмалар, пул юбориш, коммунал тўловларни йиғиш зиммаларингизда. 34 минг нафардан зиёд нафақахўр қўлларингизга қараб турасалан, Пастдарғом тумани Жума почта алоқа тармоғининг жойларда 25 та бўлими мавжуд. Катта Найманча, Парча қора, Усмонов, Довул алоқа бўлимлари бошлиқлари билан суҳбатлашганимизда, улар бинолар билан боғлиқ муаммолар ҳалигача ечимини топмаганлигини айтишди. Ваҳоланки, туман ҳокими томонидан шу йилнинг апрель ойи бошида тегишли қишлоқ фуқаролар йиғинлари, тугатилаётган ширкат хўжаликлари негизида фермер хўжаликларини ташкил этиш комиссиялари раисларига почта бўлимлари фойдаланиб келаётган биноларни туман почта алоқа тармоғи балансига ўтказиб бериш тўғрисида расмий хатлар тақдим этилган эди.

Вақти келиб ҳукуматимиз томонидан почта алоқаси тармоқлари учун ҳам худди қишлоқ врачлик пунктлари, коллежлар, мактаблар каби махсус лойиҳаларда бинолар қурилишига, уларнинг энг замонавий техника воситалари билан жиҳозланишига шубҳамиз йўқ. Бугун эса чуқур мулоҳаза юритиш, тўғри қарорларга келиш орзумиздаги ишларнинг тезроқ рўёбга чиқишига пойдевор бўлишини унутмайлик.

Лекин бор нарсани асраш, зарур бўлса, маънавиятимизга хизмат қиладиган алоқа тизимига ёрдам бериш керак эмасми? Жойлардаги ҳокимликлар, мутасадди раҳбарлар бу тўғрида жиддий ўйлаб кўришлари, халқ таъбири билан айтганда, етти ўлчаб, бир кесишлари лозим.

Ўктам ҚУРБОНОВ.

• *Табиат ва биз*

ЎРМОНЛАР — МИЛЛИЙ БОЙЛИГИМИЗ

Ўрмонлар ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини сақлашда муҳим ўрин тутади. Бу яшил табиат неъмати инсоният ҳамда бутун мавжудот учун ҳам ҳаёт манбаидир. Ўсимликлар дунёсининг ўрнини ҳеч нарса босолмайди.

Афсуски, ер юзасида кейинги юз йил мобайнида ўсимликлар, айниқса, ўрмонлар майдони кескин қисқариб кетди ва бу жараён ҳозир ҳам давом этмоқда. Агар бу ҳолнинг олди олинмаса, яқин йилларда экологик фалокат юз бериши мумкин.

Ўтган даврда ўрмонлар, уларнинг ўсимлик дунёси қуруқликнинг жуда катта қисмини эгаллаган. Аммо инсониятнинг ўрмонлардан ёқилғи, қурилиш материаллари, саноат хомашёси сифатида фойдаланиши улар майдонининг кескин қисқариб кетишига сабаб бўлди. Дарахтлардан бўшаган ерларда қишлоқ хўжалик экинлари ўстирила бошланди, шаҳар ва саноат объектлари қурилиши авж олди. Ўрмонларнинг сийраклашиши, камайиши натижасида эса жойларда сув тошқинлари, сел, тупроқ емирилиши, қурғоқчилик ва кучли шамоллар юз бера бошлади. Табиий ўрмонларнинг йўқолиши оқибатида эса қумлар кўчиши кўпайди.

Ҳозир Ўзбекистонда ҳам иқлим қуруқлашиб бораётганлиги сезилмоқда. Сабаби, музликлар ҳажми қисқариб, йиллик ёғингарчилик миқдори камаймоқда, тоғли ҳудудларда сувнинг айланиши секинлашаётир.

Минтақамиз иқлимининг қуруқлашиб боришидаги асосий сабаблардан яна бири дарё сувларининг асосий манбаи бўлган тоғ ўрмонзорларининг камайиб боришидир. Бир вақтлар юртимизнинг катта-катта майдонларини арчазорлар эгаллаган эди. Улар Туркистон, Ҳисор, Талас, Чотқол, Қурама, Угам, Фарғона ва бошқа тоғлардаги кенг майдонларда ўсар, тоғларнинг ўрмон билан қопланиш даражаси 30 фоиз, айрим жойларда эса 40-50 фоизни ташкил қиларди. Тоғларнинг сернам ўрта қисмида нинабаргли арча-қарағай ўрмонлари ва ёнғоқзорлар кўп, пасторок тоғлар, адирлар бошдан-оёқ пистазор ва бодомзорлар билан қопланган эди.

Ҳозир республикамиздаги тоғларнинг ўрмон билан қопланиши икки фоизни ташкил этади. Тоғ ўрмонлари жуда сийрак. Шунинг учун ҳам, тоғ ёнбағирларидаги табиий ўрмонзорлар ерларни сув эрозияси ва сувни тартибга солиш вазифасини тўлиқ бажара олмаяпти. Мавжуд ўрмонларнинг йўқолиб бориши эса тупроқ эрозияси жадаллашувига, тошқин ва селлар ҳосил бўлишига олиб келмоқда. Ана шундай салбий жараёнларнинг олдини олиш мақсадида тоғлардаги ўрмонларни қайта тиклашни кенг йўлга қўйиш лозим.

Ҳозир республикамизнинг барча географик минтақаларида сунъий ўрмонлар барпо қилиш, ўрмонлар мелиорацияси лойиҳасида кўрсатилган жойларга дарахт ва буталар экиш, уруғ сепиш, уларни агротехника қоидалари асосида парваришлашни амалга ошириш Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси зиммасига юклатилган.

Юртимизда сув ва шамол эрозиясининг олдини олиш, селга қарши кураш ишлари дастлаб 1880 йилда Самарқанд вилоятининг жанубий қисмида жойлашган Омонқўтон дарёсининг 1200-1800 метр баландликдаги қияликларида амалга оширилган.

XIX асрнинг охирларига келиб ўрмон хўжалик илмий изланишлари Туркистон ўлкасига ва бошқа минтақаларга ёйилди. Натижада 1898 йилдан бошлаб янги ерларни ўзлаштириш ва уларни шамол эрозиясидан муҳофаза қилиш учун Тошкент шаҳрининг шимолий-шарқий ерларида шамолга кўндаланг ҳолда иҳота дарахтзорлар барпо этишга киришилди. 1919 йилда Фарғона водийсидаги суғориладиган майдонларни қум босишининг олдини олиш учун кенглиги 40-50 метр, узунлиги бир неча километрли ўрмонзорлар барпо қилиш ишлари режалаштирилди. Бундан ташқари, кенглиги 50 саржинли иҳота дарахтзорлари барпо этилиб, бу ерларни табиий офатдан бутунлай муҳофаза қилиш мақсад қилиб қўйилди. Лекин экилган яшил ниҳолларнинг деярли кўп қисми қуриб қолди. Канал қирғоқларига ўтқазилганларининг айримлари эса ҳозиргача сақланиб қолган.



Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан сўнг ўрмонлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишга алоҳида эътибор берилмоқда. Ўрмонлардан унумли, илм-фан тавсиялари, табиатнинг умумий қонуниятлари асосида фойдаланиш шу куннинг талабидир. Бу борада бир қатор қонуний ҳужжатлар мавжуд. «Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги қонун ҳамда Ер кодекси шулар жумласидандир.

Юртимиз ўрмонлари грек ёнғоғи, хандон писта, ширин бодом, ёввойи олма, олча, дўлана, нок, зирк каби озуқабоп ва шифобахш маҳсулотларга бой. Умуман, турли хил ҳайвонлар ва қушлар учун озуқа манбаи ва яшаш манзили бўлиб хизмат қилади. Ўрмонларнинг ўсимлик дунёси ҳам ниҳоятда бой. Ўрмонзорларнинг экологик қиммати янада аҳамиятлидир. Хусусан, бир гектар кенг япроқли дарахтлар бир кеча-кундузда 2-3 килограмм, игнабарглилар 5 килограмм, арчазорлар эса 30 килограммгача фитонцидлар ажратади. Ёки бўлмаса, бир гектар яшил ўрмонзор бир соатда ажратган кислород 200 кишининг нафас олишини таъминлайди. Дарахтлар ўсган жойда ёғингарчилик кўп, иқлим шароити юмшоқ бўлади, қишлоқ хўжалиги экинларини гармсел, сув тошқинлари ювиб кетишидан ва кучли шамоллардан сақлайди. Бир гектар яшил дарахтзор бир кеча-кундуз давомида 24 килограмм ифлос газни ютади.

Шундай бўлгач, ўрмонларни асраб-авайлаш келажак авлодларнинг улардан баҳраманд бўлишига кафолатдир.

Раҳимжон ХОЛИҚУЛОВ.

• *Кураш — миллат ғурури*

Аъзам полвон

Мамлакатимиздаги ёшларнинг катта қисми Аъзам полвон Шокиржоновни фақат моҳир актёр, санъаткор сифатида билади. Лекин унинг катта майдонларда кураш тушиб, одамларни хушнуд қилган йилларини катта ёшли мухлислар ҳали унутишмаган.

Аъзам полвоннинг ёшлиги жуда оғир кечган. У 1951 йилда Сирдарё туманида таваллуд топган. Икки ёшида отаси, уч ёшида эса онасидан етим қолади. Ёш Аъзамнинг болалиги Пскентдаги болалар уйида, кейинчалик ака-опаларининг хонадонида ўтади. У мактабда ўқиб юрган кезларидан бошлаб юнон-рим кураши билан шуғуллана бошлаган. Бахт шаҳридаги холасиникида яшаб юрган кезларида қўшни Қозоғистоннинг Еттисой туманидаги тўйларда кураш тушди. 1970 йили Тошкентдаги Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институтига ўқишга киради. Бу ерда мураббий Виктор Гришаев қўл остида спортнинг ушбу тури билан астойдил шуғуллана бошлади. Институтда ўқиб юрган кезларидаёқ классик кураш бўйича спорт устаси талабларини бажарди. Таъкидлаш жоизки, унда универсал курашчи хусусиятлари талабалик давриданоқ шакллана бошлаган. Аъзам ака юнон-рим кураши билан бир қаторда самбо ва дзюдо билан ҳам шуғулланган.

Курашнинг кўп турлари билан шуғулланган Аъзам полвон белбоғли курашга қачон кириб келганлигини ўзи ҳам яхши эслай олмайди. Аслида у ўтган асрнинг саксонинчи йилларида моҳир курашчи сифатида ном қозона бошлаган. Белбоғли курашга кириб келиши ҳам анча қизиқарли кечган. Аъзам Шокиржоновнинг белбоғ кураши бўйича ном чиқаришида халқ сайилларнинг катта ўрни бор.

1981 йилда у бир гуруҳ дўстлари билан Қирғизистоннинг Навқат туманига боради. Ўша куни Навқатда катта кураш сайли ўтаётган бўлиб, унда ўзбекистонлик полвонлар ҳам иштирок этаётган эди. Курашда наманганлик Алишер полвон уч нафар рақибини мағлуб этиб, тўртинчисига кучи етмайди. Шунда наманганлик таниқли Баҳриддин полвоннинг қистови билан Аъзам Шокиржонов майдонга тушади. Шуни таъкидлаш лозимки, Аъзам полвоннинг бошқа кураш турларини яхши ўзлаштиргани унга белбоғ курашида ҳам қўл келган. Айниқса, у ишлатадиган "ёнбош" амали кўпчиликнинг эътирофига сазовор бўлган. Хуллас, Навқатдаги курашда Аъзам полвон ёнбош амали билан учта полвоннинг курагини ерга теккизишга муваффақ бўлади. Бу Аъзам полвоннинг ёдида бир умрга муҳрланиб қолган. Боиси у Навқатга зиёрат мақсадида борган эди. Ўша пайтларда мураббийлик ва ҳакамлик қилиб юрган Аъзам полвон учун сайил курашининг яна бир янги қирраси очилади. Аньанага кўра, сайилда маҳоратини намойиш эта олган полвонлар ўша даврнинг ўлчови билан ҳисоблаганда катта маблағ ишлаш имконига ҳам эга бўлишарди.

Камина Аъзам полвон билан бир даврда курашганимиз учун у бошидан ўтказган кўпгина саргузаштлар билан яхши таниш. Ана шундай воқеаларнинг бири Сирдарёнинг Ховосида бўлган. Бу ердаги тўй курашларидан бирида хўжандлик Али полвон кўпгина номдор полвонларни йиқитди. Аъзам полвон ҳам бўш келгани йўқ: у ҳам икки полвонни мағлуб этди. Охирида елкаси ер искамаган икки полвон бир-бири билан учрашди. Али полвон рақибига нисбатан бўйдорроқ, қолаверса, вазни ҳам рафдорлари эса, аксинча, курашни қайта ўтказишни талаб қилар эди. Кураш қайта бошлангач, Аъзам полвон рақибини ёнбош амали билан мағлуб этди. Энди эса Али полвоннинг тарафдорлари Аъзам полвоннинг даврадан чиқишига йўл қўймас, яна курашишни талаб қилишарди. Шунда Аъзам полвон ўзига хос йўл тутишга мажбур бўлади. У Али полвоннинг қишлоқдоши Муҳаммад полвонга қарши кураш тушишга мажбур бўлди. Муҳаммад полвон ҳам ўз даврининг кучли полвонларидан бири эди. Тайинки, Муҳаммад полвон Аъзам полвонни мағлуб этди.

Аъзам Шокиржонов кўпчилик билан курашган. Гоҳо ютган, гоҳида ютқазган ҳам. Аммо ҳамиша ўзидан кучли полвонларни тан олган. Баъзи полвонларга ўхшаб мағлубияти учун турли сабаблар изламаган.

Мақоламиз бошида Аъзам полвоннинг бир истеъдоди тўғрисида тўхталиб ўтган эдик. Аъзам Шокиржонов шу пайтга қадар йигирмадан ортиқ кинофильмларда турли ролларни ижро этган маҳоратли актёрдир. Турли турнирлар, сирим кураши бўйича халқаро турнир ғолиби бўлган Аъзам Шокиржонов айни пайтда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида жисмоний тарбия кафедраси мудири лавозимида хизмат қилиб келяпти. Ўз навбатида Аъзам полвоннинг оиласи ҳақида икки оғиз сўз. У кишининг турмуш ўртоғи Клара Шокиржонова ҳам таниқли мураббий, спорт фидойиси. Уни мамлакатимиздаги кўплаб етакчи енгил атлетикачилар ўз устози сифатида ҳурмат қилишади. Клара опа ҳозир Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институтида ўқув ишлари бўйича проректор лавозимида хизмат қилиб келяпти.

Фурсати етганда, Клара опа каминанинг ҳам устози бўлишини, ўз вақтида кураш ҳақида китоб ёзишга ундаган инсон эканлигини таъкидлаб ўтишим жоиз. Икки нафар фарзандлари — Темур ва Бобур ҳам ота-онаси изидан кетишган. Катта ўғли Темур қатор халқаро турнирлар ғолиби. Унинг кўксини ҳам отаси каби Жаҳон чемпионатининг олтин медали безаб турибди.

Носиржон АЗИЗОВ.

• *Такрор мутолаа*

Ўлмас Умарбеков

АБДУЛЛА ҚОВУНЧИ

Севгининг кўзи кўр дейишади. Тўғри экан. Кўр бўлмаса, менга Абдулла қовунчи ёқиб қолармиди? Баъзида хўрлигим келганидан йиғлайман. Баъзида, бор-е, худо олсин ўшани, бошқа йигит қуриб қолдими дейману, клубга чиқаман, қизлар билан ўйин-кулги қилиб, ўзимни овутаман. Аммо уйга қайтиб чироқни ўчираману, юрагим орқамга тортиб кетади, бир нима томоғимга келиб тиқилгандай бўлади. У ёнимга ағдариламан, бу ёнимга ағдариламан, бўлмайди, кўз олдимдан кулиб турган башараси ўтаверади. Шунчалик ёқимтой бўладими одам дунёда? Қалин қора қошлари остидаги қўй кўзлари доим кулиб туради, гапирганида худди ашула айтяпти, дейсан киши! Фақат битта айби бор: ҳар ўн кунда сочини устарада олдириб туради. Бунинг устига уч тийинлик одеколондан септириб келади денг, одамнинг кўнгиллари айниб кетади. Бошқа йигитларга ўхшаб соч ўстирса, чиройли қилиб ёнигами, орқасигами ётқизиб тараб қўйса, қандай яхши. Йўқ, бундай қилмайди. Балки, шундай қилмагани тузукдир. Агар соч қўйса, ўртоқларига ўхшаб уқа тутган кўйлак кийса, борми, қизларнинг бошини айлантириб қуйиши ҳеч гап эмас. Айлантирганда ҳам майли эди, тинчроқ юрардим. Қишлоққа келган қунимоқ ўзига сехрлади-қўйди. Машинадан тўғри идоранинг олдида тушдим, чамадонимнинг устида бирпас ўтирдим. «Мана, яхши қиз, шу бугундан бошлаб ойингизнинг қарамоғидан чиқдингиз, ҳолингиз нима кечар экан?» — дедим ўзимча. Кейин ичкарига кирдим. Раиснинг кабинетидан ғўнғир-ғўнғир товуш эшитиларди. Киришимни ҳам, кирмасимни ҳам билмай, беихтиёр қулоқ сола бошладим.

— Ука, сенга минг марта айтдим, — деди зарда билан йўғон овоз. — Менга қовун керак эмас, ҳа, пахта керак. Колхознинг обрўйини оширадиган ҳам, унинг юзини ерга қаратадиган ҳам — пахта. Буни этагини тугиб юрган бола ҳам билади-ю, сен билмайсан. Бошқа бир қарич ҳам ер бермайман.

— Атиги беш гектар, Сулаймон ака, хўп денг, — ялинганомуз ингичка овоз эшитилди. — Учтепанинг пасти бекор ётибди, жуда бўлмаса шуни беринг, қовун ҳам керак-ку, ахир!

— Бермайман, дедим, бермайман. Тушингни сувга айт.

Хонага жимлик чўкди. Эшикни тақиллатиб ичкарига кирдим. Рўпарамда ноппа-нозандай йигит турарди. Кенг елка, баланд бўй... Мени кўриб уялди шекилли, қип-қизариб кетди. Салом бердим. Раис келиб қўлимдан ушлади, кейин энсаси қотиб йигитга ишора қилди.

— Танишинг. Бригадир. Абдулла қовунчи. Қовундан бошқа дарди йўқ.

Абдулла қовунчига қарадим. Юрагим жиз этиб кетди. Нега? Ўзим ҳам билмайман. Сулаймон ака менга олайиб қўйди-да, шоша-пиша Абдулла қовунчини чиқариб юборди. Жаҳл билан нималарнидир тушунтирди.

Тавба, нега шу колхозга келдим? Бошқа колхозлар ҳам агроном сўрашган эди-ку!

Қизлар кечқурунлари ётоқхонада ётганимизда севги ҳақида кўп гапиришарди. Аммо мен бир кўришдаёқ кўнгил қуйишимга сира ақлим етмас эди. Наҳотки, севиб қолган бўлсам? Ўзимни ўзим алдаб, уни ўйламасликка ҳаракат қилардиму, аммо бу қўлимдан келмасди. Кундузи ҳам уни ўйлайман, кечаси ҳам. Далага чиқсам, беихтиёр отни унинг бригадасига бураман. Ўзини кўрмасам, қизларни гапга соламан, унинг кимлигини билиб олишга ҳаракат қиламан. Келганимга бир ҳафта бўлдими-бўлмадими, билмадим, унинг тўғрисидаги ҳамма гапларни билиб олдим.

Абдуллажон ўн уч яшарлигида отаси фронтга кетибди, онаси билан ёлғиз қолибди. Ўқишдан келар экану, далага, онасининг ёнига чопар экан. Ўйин нималигини билмас экан. Ҳали помидорнинг тагини чопган, ҳали пиёз ўтоқ қилган, кечалари онасининг йўқ дейишига қарамасдан, чайлада қовун полизни қўриқлаб чиқар, эрталаб ўртоқлари билан почтага югурар экан. Орадан бир йил ўтибди. Шу бир йил ичида отасидан атиги иккита хат келибди. Биттасида: «Ўғлим, арзанда, яккаю ягона ўғлим, ҳали урушнинг охири кўринмайди. Мен албатта душманни йўқ қилмагунча қайтмайман. Онангизга эҳтиёт бўлинг, уни сизга топширдим. Учтепанинг орқасидаги қовунлардан хабар олиб туринг. Оғилхонанинг бўғотидаги эски телпакда ғалати қовун уруғ бор. Фарғонадан олиб келганман. Кучингиз етса, шуни кўпайтиринг. Сизни соғинган отангиз — Ҳамидулла қовунчи», — деб ёзибди отаси. Иккинчисини... иккинчисини ўзи ёзмабди, рота командири ёзибди. Бу хат бутун қишлоқнинг тўс-тўполонини чиқариб юборибди. Бу — қорахат экан.

Абдуллажон шу хат келгандан кейин уч кун кўринмай кетибди. Тўртинчи куни саҳарда уйга қайтиб, отасинини кетмонини олибди-да, Учтепага қараб жўнабди. Шу-шу бутун республикага донғи кетган қовунчи Ҳамидулла аканинг ўрнини унинг ўғли Абдуллажон эгаллабди. Отаси етиштирган қовунларни етиштирибди. Ҳақиқатан ҳам қовун полизга борсангиз, оғзингиз очилиб қолади. Сап-сариқ олтиндай чўғирлар, кўк беқасам тўн кийиб, қатор чўзилишиб ётган ананасларни егани кўзингиз қиймайди. Ўтган йили Москвага виставкага бизнинг колхоз номидан Абдуллажон ўз қовунлари билан қатнашди. Жуда қизиқ бўлди. Кечқурун раис билан омборда қайси бригада қанча нарса топширганини текшириб ўтирувдик, дарвозадан Абдуллажон эшак арава ҳайдаб келиб қолди. Араванинг усти брезент билан ёпилган.

— Ҳа, қовунчи, бу нима қилиқ? — деди раис ҳайрон бўлиб.

— Қовун олиб келдим. — Абдуллажон нимагадир илжайиб қўйди.

— Машина қуриб қолдими?

— Заха ейди.

— Заха еса, биттаси ейди, иккитаси ейди, тезроқ йиғиштиришни ўйлаш керак, ука!

— Ўзи битта-да.

— Битта? Нима битта?

— Қовун битта.

Абдуллажон жилмайиб қўйди. Брезентни олган эди, оғзимиз очилиб қолди. Умрим бино бўлиб бунақа катта қовунни кўрмаганман. Аравани битта ўзи эгаллабди-қўйибди, десам лоф бўлмас. Сулаймон аканинг кўзларидан ёш чиқиб кетди.

— Яша, ўғлим! — деди Абдуллажонни пешонасидан ўпиб. — Сени билмаган эканман. Раҳматли отангдан ҳам ўтиб кетдинг.

— Энди ер берарсиз-а, раис? — дедим қулай пайтдан фойдаланиб.

— Ер? Ҳа, айтгандай... ер... — Сулаймон ака ўйланиб қолди, кейин қўлини бир силтади-да. — Майли, қанча керак? — деб сўради.

— Эллик гектар.

— Эллик гектар?! Ҳай, майли, олгин!

Раис шу заҳотиёқ районга телефон қилгани кетди. Абдуллажон ёнимга келиб:

— Раҳмат, — деди ва қўлимни шундай сиқдики, «дод» деб юборай дедим.

— Сизга... сизга раҳмат, — дедим зўрға қўлимни ишқалаб туриб. — Шундай қовун етиштириш ҳазил иш эмас.

Ҳикоя

Шу пайт Сулаймон ака келиб қолди.

— Бўлди, — деди у Абдуллажоннинг елкасига қоқиб. — Эртага райондан одамлар келишади. Москвага жўнайсан.

Ҳақиқатан ҳам раис айтгандай бўлди. Бир ҳафта ўтар-ўтмас Абдуллажон виставкага жўнади. У йўғида ўтказган ўн беш куним ўн беш йил бўлиб кетди. Шу кунлари уни севиб қолганимга чиппа-чин ишондим. Бироқ нима қилиш керак? Миқ этмайди. Фақат ишдан гаплашади, бошқа йигитларга ўхшаб клубга чиқмайди, чиқса ҳам бир бурчакда ўтириб олиб, илжайгани-илжайган. Майли, қайтсин-чи, ўзим биламан нима қилишни! Институтда йигитлар: «Сенинг тилинг ёмон,» — дейишарди ҳазиллашиб. Шу тилимни ишга соламан. Аммо у қайтди ҳам, ишга тушди ҳам, лом-мим деб оғиз очолмадим. Қайтага илгарилари бемалол гаплашадиган одам, энди у билан ёлғиз қолсам, тилим тангалайимга ёпишади-қолади. Москвадан қайтган куни идорада анча ўтирдик. Бутун кўрган-билганларини гапириб берди. Худди сехрлаб қўйилган одамдай, ундан кўзимни узолмайман. Виставка дипломини олиб келибди. Озарбайжондаги қайси бир колхоз чўғирининг уруғидан сўрабди. Хуллас, «Ўзбекистон павильони» кунда ғуж-ғуж одам эмиш. Ҳамма тарқалгач, у мени кузатиб қўймоқчи бўлди. Бирам севиниб кетдим!

— Овора бўлманг, — дедим жўрттага бепарволик билан.

— Овораси бор эканми? Юринг!

Йўлга тушдик. Менга қишлоқнинг чеккасидан уй беришган. Катта кўчани қўйиб, чапга бурилдим. Шу ёқ сал узоқроқ.

— Чарчамаяпсизми? — сўради Абдуллажон ёнма-ён борар эканмиз.

— Чарчаш қаёқда! — дедим кулиб. — Чарчашга қўл ҳам тегмайди.

— Рост айтасиз. Мен ҳам ишни жуда соғиниб қолдим. Ўн беш кун иккала қўл чўнтакда юрса-я! Айтгандай, бизнинг бригадага ҳам бориб турибсизми? Ишлар қалай?

Устимдан биров бир челак сув қуйгандай бўлиб кетди. Бошим айланди, тўхтаб қолдим.

— Ишлар яхши! — дедим хўрлигим келиб. — Бригадангизнинг ишлари яхши! Пиёз ўтоқ қилинди... кечки... кечки қовун чопиб қўйилди... гармдори суғорилди... Яна нимани гапириб берай?

— Мавжудахон, нима бўлди? — Абдуллажон ўзини йўқотиб қўйди. — Мендан хафа эмасмисиз?

— Йўқ, сиздан хафа эмасман, — дедим лабимни тишлаб. — Тишим оғриб қолди. Бу ёғига ўзим кетаман, раҳмат.

— Кузатиб қўяй? Ёлғиз ўзингиз...

— Раҳмат.

— Мавжудахон, ахир...

— Йўқ, йўқ, — дедим зарда билан. — Сиз ишингиздан қолманг.

Шундай дедиму кучим борича уйга югурдим. Келиб ечинмасдан ўзимни каравотга ташладим-да, тўйиб-тўйиб йиғладим. Тавба, қандай одамларки, ишдан бошқа нарсани билмайди?!

Шу алфозда, мана, бир йил ўтди. Ўзимни ундан олиб қочганим сари унга интиламан. Аммо, Абдуллажондан ҳеч қандай садо йўқ. Гаплашсак, бир-биримизга қарамай гаплашамиз. Абдуллажон ҳам мендан ўзини олиб қочадиган бўлиб қолди. Саҳарда далага кетади, қоронғи тушганда қайтади. Идорага ҳам чақиртирилганда келади.

Аламимни ишдан оладиган бўлдим. Куннинг иссиғига, совуғига қарамай, далама-дала юраман. Ҳатто, кечалари ўша ерларда қолиб кетаман. Тўрт юз гектар янги ер очдик. Шунинг ярмисига пахта экдик. Қолганига мева кўчатлари ўтқазиб чиқдик. Абдулла қовунчига ўша ваъда қилинган эллик гектар ер берилди. Шу пайтгача уни бундай деб атамас эдим. Энди айтавераман. Бир куни, ҳатто мажлисда ҳам шундай деб юбордим.

Эҳ, нега ўғил бола эмасмана! Шартта олдига борардим-да: «Яхши йигит, ростини айтинг, анави қиз сарғайиб кетди-ку, кўнглингиз борми-йўқми?» — деб сўрардим. Йўқ, деса-чи? Ўзимнинг бу бемаъни хаёлимдан ўзим сесканиб кетдим. Йўқ, Абдуллажонсиз ҳаёт ҳаёт бўлармиди? Қирдан жуда чарчаб келган бўлсам ҳам, ўрнимдан турдим, костюмимни елкамга ташлаб, кўчага чиқдим. Қоронғи тун. Клубдан қандайдир музика эшитиляпти. Дарё томонга юрдим. Ҳеч зоғ йўқ. Битта-битта қадам ташлаб, олмазордан ўтдим. Оёғим остида хазон ёқимли шитирлайди. Булут орасидан ой сузиб чиқди. Тўлқинланиб оқаётган дарё қумушдек ялтираб кетди. Яқинроқ бориб томоша қила бошладим. Шу пайт, шу пайт...

— Мавжуда! — деб қолди таниш овоз.

Ялт этиб орқамга ўгирилдим: Абдуллажон!

— Салом! — дедим ҳовлиқиб, эрталаб кўришган бўлсак ҳам.

— Салом. Нима, уйқингиз келмаяптими?

— Ҳа, — дедим жилмайиб. — Сиз-чи?

— Менми? Мен... — Абдуллажон ҳам жилмайди. — Кечаси сайр қиладиган одатим бор. Шундай бир айланиб келмасам, уйқу келмайди.

— Қачондан бери?

— Бир йилдан ошиб қолди.

— Ухлатадиган дори ичинг.

— Ичиб кўрдим, фойда бермаяпти.

— Бўлмаса...

— Мавжудахон!

— Лаббай?

— Биласизми?

— Нимани?

Абдуллажон ютинди.

— Юринг, ҳов анави ёққа бориб келамиз. Майлими?

— Майли, — дедим жўрттага эрингандай бўлиб, аммо ичимда «бор экансиз-ку, яхши йигит», деб қўйдим.

Биз анча сайр қилдик. Осма кўприкдан ўтиб, бедазор бўйлаб кетдик. Бир маҳал қовун полизга келиб қолибмиз. Абдуллажон битта қирқмани узиб чиқди. Этигининг кўнжидан пичоғини олиб, шундай тегизган эди, жонивор «тарс» ёрилиб кетди. Совукдан тишим-тишимга тегмай турса ҳам, бир тилим олдим. Бирам ширин.

— Дунёда бундан ҳам ширин нарсалар бор, — деди Абдуллажон.

Ҳайрон қолдим. Гапига эмас, унинг журъатига ҳайрон қолдим. Аммо ўзимни эшитмаганга солиб, индамадим. Буни пайқади шекилли:

— Янаги йилга шу уруғдан кўпроқ экайлик, — деди қовун полизга суқ билан қараб.

— Аввал тажриба қилиб кўрайлик, — дедим унга қўшилиб. — Кейин майли.

— Ёрдам берасиз-а?

— Албатта.

— Яхши чиқса, қиши билан бузилмай турадиган қовун бўлади-да.

— Туринг, кетдик. Кеч бўлиб қолди.

Йўлда Абдуллажон чурқ этмади. Мен ҳам жим бордим. Гапнинг нима кераги бор? Иккаламиз ҳам ўз хаёлимиз билан бандмиз. У нималарни ўйлаётганикин? Балки қовунларини ўйлаётгандир? Майли, ўйласа, ўйлайверсин! Ўйи бор одамнинг юраги бор. Балки шунинг учун ҳам уни яхши кўргандирман. Мен-чи, мен уни ўйлаяпман. Ўйласам арзийди.

— Мавжуда,— деди Абдуллажон олмазорга етганимизда.

— Лаббай?

— Эртага... эртага ҳам чиқасизми?

У шу топда ёш болага ўхшаб кетди: кўзлари жавдир-жавдир қиларди.

— Чиқайми? — дедим жилмайиб.

— Ҳа, албатта чиқинг.

Уйга қушдек учиб келдим. Келдиму, ечинмасдан ўзимни каравотга ташладим ва анчадан бери биринчи марта тинч, ором олиб ухладим.

«МУСТАҚИЛЛИК — ЁШЛАР НИГОҲИДА»
кўрик-танловига

СЕН ҚУВОНГАН КУН

Етмиш йиллик умринг бўлди қора кун,
Яшадинг кўнглингнинг тўри тўла ун,
Бир қувон, етмиш йил кўрган кун ҳаққи,
Ўзбек элим, бугун сен қувонган кун!

Кўп куйдинг ўтганинг ортидан бўзлаб,
Ҳатто боролмасдинг қабрини излаб,
Йиғлардинг Худога арзингни сўйлаб,
Ўзбек элим, бугун сен соғинган кун!

Душман йўқ, келмагай тўла деб товон,
Яшама оғритиб энди ширин жон,
Бахтингга сардоринг бўлсин соғ-омон,
Ўзбек элим, бугун сен соғинган кун!

Улғайсин бешикда боланг тинч ухлаб,
Дуо қил ўтганлар руҳин шод айлаб,
Яша бор меҳрингни жонингга жойлаб,
Ўзбек элим, бугун сен қувонган кун!

Лутфулла ҚАНДАХАРОВ.

ОЗОД ЮРТ

Ҳар элнинг бор даҳоси, бор бир сўлим воҳаси,
Бордир Барчинойи-ю, алла айтган момоси,
Мен ўсган ўлкадан ҳам ўтган бир соҳибқирон,
Шу Ватанниг ғурури, Буюк Темур бобоси.

Забт этиб у юртларни, миниб учқур отини,
Юксакка тутиб кетди ўзбекнинг байроғини,
Ҳеч кимдан кам эмасмиз ўтмишга кўз ташласак,
Бугун фахр билайлик аждодлар ардоғини.

Азизлар қадамжоси қайта қадр топди-ю,
Ҳуррият шамолидан гулга бурканди тоғлар.
Янгича тусга кирди катта-кичик йўллар ҳам,
Қад кўтариб бинолар, кўкарди боғу роғлар.

Энди сергак бўлайлик, қўлни қўлга берайлик,
Ватан сарҳадларини қўриқласин меҳримиз.
Шундай аҳил бўлайлик, осойишта замонда
Доим гуллаб-яшнасин бизнинг озод юртимиз!

Абдували ҒОЙИБНАЗАРОВ.

ВАТАН

Ватан, менининг қароқларимда,
Қотиб қолган ёшмидинг, айт?!
Ватан, сен дунёни бағрингга кўмиб,
Ботаётган қуёшмидинг, айт?!

Ватан, кўчоқлагим келади сени,
Кўрсам дейман юракларингни.
Сувоқлари кўчган ҳув ўша кулбанг,
Ўпсам дейман толбарларингни.

Ватан, сени гул дедим унган
Ғариб кўнглим тупроқларида.
Ватан, номард болангни куйдир,
Майли, кўзим ўчоқларида.

Ватан, харсангларинг
ботмай қолган ой,
Улар боқий тарих эртаги.
Биз Ватанни асрайлик
дўстим —
Ахир, ҳар биттамиз
Ватан юраги!

Наима АБДУРАҲМОНОВА.



«ИССИҚ БУЛОҚ» БАҒРИГА ЧОРЛАЙДИ

Паркент туманидаги Хисорак қишлоғи ўзининг пурвиқор тоғлари, шарбат тўла боғлари, сўлим қир-адирлари, ўзига хос иморатлари ва шифобахш минерал сувлари билан машҳур. Қишлоғимизда кўркам ва файзли жойлар кўп. Айниқса, шифобахш «Иссиқ булоқ» сувининг инсон саломатлигини тиклашдаги ўрни беқиёс. Булоқ суви таркибида 28 хил кимёвий элемент ва минераллар мавжудлиги аниқланган. Сувнинг ҳарорати ўртача 38 градусни ташкил этади. Булоқ сувидан анчагина дардмандлар шифо топмоқда. Даволанувчилар табиат бағрида бўлиш инсонни ҳам жисмонан, ҳам руҳан тетик қилишини таъкидлашади. Қишлоғимиз бағридаги «Иссиқ булоқ» шифо маскани одамларга оз бўлса-да наф келтираётганидан хурсандмиз.

Садоқат ЁДГОРОВА,
ЎзМТДП Марказий кенгаши «Ёшлар қаноти» аъзоси.

Жаҳон ҳафта ичида

АРАБ МАМЛАКАТЛАРИ ЛИВАНГА ЁРДАМ БЕРИШ ҲАРАКАТИДА

Душанба куни Ливан пойтахти Бейрут шаҳрида араб мамлакатлари ташқи ишлар вазирларининг йиғилиши ўз ишини бошлади. Ундан кўзланган асосий мақсад Ливанга ёрдам қўлини чўзиш масаласини ҳал қилишдан иборат.

Араб давлатлари Лигаси бош котиби Амир Мусо журналистлар билан бўлган учрашувда Ливанга ёрдам бериш масаласида араб давлатлари раҳбарларининг учрашуви ўтказилиши эҳтимолининг мавжудлигини маълум қилган. Бу ҳақдаги таклиф билан учрашув арафасида Саудия Арабистони қироли Абдулла ибн Абдулазиз чиққан эди.

Якшанба куни эса Яқин Шарқдаги қирғинбарот урушларга чек қўйиши кутилаётган резолюция лойиҳаси Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Хавфсизлик Кенгаши муҳокамасига юборилди. Аммо бу лойиҳадан Ливан тарафи рози эмас. «Унда бизнинг манфаатлар тўлароқ акс этишини хоҳлардик, — дея маълум қилган Ливан ташқи ишлар вазирлиги вакили Нухад Маҳмуд. — Масалан, резолюция лойиҳасида ҳозирда Ливан ҳудудида жойлашиб олган Исроил армиясининг чиқиб кетиши масаласида ҳеч нарса дейилмаган. Бу эса навбатдаги келишмовчиликларни келтириб чиқариши аниқ».

Ҳужжатда Исроил ва «Хезболлоҳ» гуруҳининг ҳарбий ҳаракатларни бутунлай тўхтатишга чақириқ ўз аксини топган. Биринчи резолюция лойиҳаси қабул қилинганидан бир-икки ҳафта ўтгач, минтақада БМТ тинчликпарвар кучларининг жойлаштирилиши масаласида навбатдаги резолюция муҳокама этилиши кутилмоқда.

Бу орада эса уруш ҳаракатлари тобора жадаллашмоқда. 6 август куни Исроилнинг шимолий ҳудудларига қарата «Хезболлоҳ» гуруҳи томонидан, айрим хабарларга қараганда, 160 та ракета снарядлари учирилган. Исроилнинг катталиги бўйича учинчи шаҳри саналмиш Хайфа шаҳри доирасида уларнинг саккизтаси портлаган.

Бунга жавобан Исроил армияси ҳарбий ҳаво кучлари Бекаа водийси ва Бейрутнинг жанубий ноҳиялари бўйлаб 12 та йирик бомба ҳужумларини амалга оширишган. Қуруқликдаги кучлар ҳам тобора ичкарига ҳаракат қилиб боришмоқда.

ПОРА БИЛАН УШЛАНДИ

Россиянинг Краснодар ўлкасида катта карчалонлардан бири Сергей Евдокименко 410 минг доллар миқдоридаги пора олганликда, исм-шарифи маълум қилинмаган хўжалик раҳбари эса бу порани беришда воситачилик қилганликда гумон қилинмоқда.

Сергей Евдокименко Сочи шаҳри бўйича федерал мулк бошқармаси бошлиғи, Краснодар ўлкаси ҳудудий бошқармаси бошлиғининг ўринбосари лавозимларида ишлаб келган. У балиқчилик хўжалиги раҳбари билан жиноий тил бириктириб, маҳаллий тадбиркорлардан биридан пул ундиришга ҳаракат қилган.

Хўжалик раҳбари 3,5 гектар ери бўлган сочилик тадбиркорга мурожаат қилиб, Сочи ўтказишга даъвогарлик қилаётган олимпиада мусобақалари муносабати билан тадбиркор ерсиз қолиб кетиши мумкинлигини маълум қилган ва ўз ерини асраб қолиши учун бошқармадаги мансабдорга 450 минг доллар миқдорида пул берилиши кераклигини айтади.

Тадбиркор эса милицияга мурожаат қилган ва тегишли чора-тадбирлар кўрилганидан сўнг, жиноятчилар қўлга олинган. С.Евдокименкога нисбатан мансабдор шахс бўла туриб, фирибгарлик йўли билан пора олиш жинояти бўйича иш қўзғатилган. Қонун бу модда бўйича 12 йиллик озодликдан маҳрум этиш жазосини назарда тутади.

ЯНА ПАРРАНДА ГРИППИ БИЛАН КАСАЛЛАНИШ ҲОЛАТИ АНИҚЛАНДИ

Индонезияда инсоннинг парранда гриппи билан касалланиши ҳолати аниқланди.

Мамлакат соғлиқни сақлаш вазирлигининг маълум қилишича, H5N1 вируси ўн олти ёшлик ўсмирнинг қонидан топилган. Беморнинг ҳолати ёмонлашмоқда, у сунъий нафас олиш аппаратига қўшилган. Ўсмирнинг уй паррандасидан касалликни юқтирганлиги тахмин қилинмоқда.

Индонезия бу касалликдан жиддий зарар кўрган давлатлардан бири ҳисобланади. Бу ерда парранда гриппидан 42 нафар фуқаро ҳалок бўлган, паррандалар қирғин қилинганлиги боис маҳаллий аҳолига катта зарар етган.

САНЪАТ АСАРЛАРИ ЎҒРИЛАРИ АЙБЛАНМОҚДА

Яқинда Санкт-Петербург шаҳридаги дунёга машҳур Давлат Эрмитажи музейи ихтиёридаги 221 дона экспонатнинг ўғирланиши ҳолати юзасидан қўзғатилган жиноят иши бўйича расмий айблов эълон қилинди.

Ҳибсга олинган уч нафар гумондорлардан бири музей ходимасининг эри бўлиб чиққан. Эрмитаж директори Михзаил Пиотровский ноёб буюмлар музейдан бир неча йиллар мобайнида ўғирланганлиги ҳақида тахмин билдирган.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди

• Ҳаёт сабоқлари

СЎРОҚ

Бировга бирор нарса керак бўлса, табиийки, иккинчи кишига мурожаат қилиб ниманидир сўрайди. Ва сўраган нарсасига яраша жавоб олади. Лекин, баъзан, шундай саволлар ҳам борки, уларга жавоб бериш қийин. Жавобини билиб турсанг-да, айтолмаслигинг ундан-да азоб... Мен ўзимга ўзим кўп савол бераманки, мана, шунча ёшга кирдинг, хўш, нима иш қилдинг, кимга нафинг тегди, тўғри йўлдан кетаяпсанми, агар шундай деб ўйласанг ибрат бўлгулик не иш қилдингки, улардан фахрланиб гапирсанг?! Хуллас, бундай саволларнинг чек-чегараси йўқ. Уларга жавоб бериш эса... мушкул десам, осон қутулган бўламан. Шунинг учун онгу шууримни эгаллаган дардлардан халос бўлиш ниятида айрим нарсалар ҳақида ёзишга ва шу билан озроқ бўлса-да, андуҳлардан узоқлашиш умидидаман.

Эҳтимол бу ҳикоялар кимгадир эриш туюлар, бироқ аниқки, у менинг дилимдаги гапларнинг қоғозга кўчган азобли нусхасидир.

ҲАСАД



Агар мендан энг расво, энг бадбин, энг разил нарса нима деб сўрасалар, ҳасад деб жавоб берган бўлардим. Чунки айнан мана шу иллат сабаб не-не истеъдод соҳиблари азоб чеккан, қанчадан-қанча саройларга, ибодатхоналарга олов қўйилган. У не-не дилларнинг бошига етди, не-не одамларнинг умрига зомин бўлди.

Аммо не ажабки, унинг ўзи йўқолмаяпти, борган сари одамлар орасида жаҳолат уруғи кўпайишига сабабчи бўлаяпти. Хўш, ҳасад нимадан келиб чиқади. Тўғри, биринчи навбатда ички қораликдан. Ички қора одам қиш пайтида қўшнисининг мўрисидан тутун тўғри тепага кўтарилса ҳам куядики, нега менинг мўримдан бунақа чиқмайди, дея. Пасткаш одам, ҳамсоясининг деворига қулоғини қўйиб, қачон жанжал чиқаркан, деб кутиб туради. Аммо у билмайдики, бу балолар бир кун келиб ўзининг бошини ейишини.

Мен ҳам ҳасаднинг заҳрини тотганларданман. Йўқ, мен кек сақлайдиганлардан эмасман, аммо бу бало ўсмирлик чоғингда, қалбинг айни завқу шавққа, жисминг куч-ғайратга, шижоатга тўлган даврда сенга рўбарў келса, бир умр эсингдан чиқмас экан...

Ўшанда мен энди мактабни битириб, ўқишга тайёрланиб юргандим. Мактабда француз тилидан яхши ўқиганим учун, ўқитувчимиз чет тиллар институтига ўқишга киришимни маслаҳат берди. Устозимнинг йўриғига биноан тайёргарликни давом эттирдим. Бир куни қишлоққа кетаётсам, уйимизга буриладиган чорраҳада бир гала қишлоқдошларим ўтиришар, уларнинг ўртасида эса эртаю кеч оғзидан ғийбат тушмайдиган киши турарди. Уларнинг ёнидан салом бермай ўтиб кетолмас эдим. Ҳамма қатори унга ҳам салом бердим, лекин алик олмасдан (саломингизга биров алик олмаса, афсусланманг, чунки ҳадиси шарифларда айтилишича, берилган саломга, аввало, инсондан юқори зотлар — фаришталар алик оладилар) менга деди:

— Ҳа, ўқишданми?

— Худо хоҳласа, ҳаракат қиляпмиз.

— Қайсига кирмоқчилар?

— Чет тиллар институтининг француз филологияси факультетига.

— Ҳа, яхши, унда айтчи, француз тилида кўрпангга қараб оёқ узат, деган гап қандай таржима қилинади?

— ...

Ҳамма кулиб юборди, мен эса устимдан кулганларни ва уларни кулдиргандан ҳам қаттиқ ҳафа бўлдим.

Орадан озми-кўпми вақт ўтиб ўша одамнинг ҳам ўғли ўқишга кирадиган бўлди. Роса тайёрланди, аммо йиқилди. Отаси кейинги йиллар ҳам кўп ҳаракат қилди, таниш-билишларини ўртага қўйди. Бироқ унинг ўғлига ўқишга кириш, талаба бўлиш насиб этмади. Ҳозир ҳар гал қишлоққа борсам, шу йигит менинг олдимга келиб нолийди. 25 ёшга кираяпман, ҳали ҳеч нарсанинг тайини йўқ, дея кўнгли ўксийди. Мен у билан дўстман, аммо ота буни била туриб, менинг кўнглимни ранжитган эди. Ўғлининг бундай бўлиб юришига ўша гаплар ва яна мендан бошқаларга ҳам сочилган заҳар деб ўйлайман. Ахир, истеъдодли шоиримиз Абдулла Орипов "Инсон қалби билан ҳазиллашманг, сиз" дея бежиз ёзмаган.

ҚАРҒИШ

Ҳеч кимсанинг дилини ноҳақ оғритманг. Бу ҳикмат икки дунё устунлари — барча пайғамбарларнинг оғзидан айтилган. Аммо ҳамма ҳам бу ҳикмат мағзини чақавермайди, билган йўлидан қолмайди. Охир-оқибат бундай кимса ё юрган йўлидан адашади, ё бирор кишининг дилини бузади. Дили бузилган одамнинг кўнглидан ўтгани эса... қарғиш саналади.

Дунёда қарғишдан қаттиқ қўрқадиган одамлар бор. Шу билан бирга қарғишдан чўчимайдиганлар тоифаси ҳам йўқ эмас. Бундайларга нисбатан халқимиз бир гапни топиб айтган: "Худодан қўрқмагандан қўрқ".

Аммо бир нарса аниқки, Худодан қўрқмаганни наинки мусулмон, балким одам деб аташ ҳам нотўғри. Зеро, фақат қалби сўқирларгина Яратганнинг қаҳридан ҳайиқмасдан ёмонликнинг этагидан тутадилар. Бундайлар у дунёда жазо олиши тайин, шунингдек, фоний дунёда ҳам ўз "улуш"ларини кўришлари муқаррар экан. Мен шундай воқеага гувоҳ бўлганман.

Шундай бир улуғ зотни биламан (у кишининг исмларини айтмасдан, барча илмлардан бохабар отахон деб ёзишни мақбул билдик). Ўша зиёли одамнинг қарғишига учраган бир оиланинг тақдиридан ҳам бохабарман. Қуйида ана шу бўлиб ўтган воқеани баён этиб, қарғиш уриши ҳақ гап эканини айтмоқчиман.

Отахон диний ва дунёвий илмлардан таҳсил олган инсон. Кўнгли беғубор, покиза зот. Аммо жаҳли чиқса, у кишининг яқинига йўламаган маъқул дейишади. Жаҳл ҳам оддий сабабларга чиқавермайди: ноҳақлик бор жойда, ҳаром-ҳаришликка дуч келинган пайтда чиқади. Шу туфайли ҳам у кишини ҳурмат қиладиганлар кўп. Шу билан бирга унинг панду насиҳатларини қулоққа илмайдиганлар ҳам истаганча топилади. Хуллас, ана шундайлардан бири азбаройи насиҳатлар жонига текканини баҳона қилиб, катта бир йиғинда ўзидан ўттиз ёшлар чамаси катта отахоннинг кўксига тепади, масхаромуз гаплар билан ҳақорат қилади. Бундан бобонинг кўкси қаттиқ азият чекади, дили хуфтон бўлади. Оғзидан ароқ ҳиди гупиллаб, сажда кўрмаган боши телбаларча тебранаётган кас эса ҳаргиз ҳақоратлашдан тўхтамайди. "Ўзингни босиб ол, кимсан ўзи?" дейилган сўроққа: "Мен Худоман" дейди кибр ила. Ана ўшанда отахон уни қарғайди: "Сени арвоҳларга топширдим" дейди.

Қарғиш кеч уради, дейдилар. Бироқ бу галги қарғиш тезда ўз таъсирини кўрсатди. Кўрсатгандаям балолар ила кўрсатди. Ўша одам тўй қилаётган куни қўққисдан тилдан қолди. Ҳеч кимнинг гапига тушунмай нуқул талмовсирайдиган одат чиқарди. Хурсандчилик ила бошланган тўй азага айланиб кетишига сал қолди. Қариндошлар оху нола қилишди, фарёд уришди. Аммо ҳеч ким бу дард ўша мудҳиш қарғишнинг оқибати эканини эсламади...

Мақсуд ЖОНИХОНОВ.

УЗОҚ УМР КЎРИШ ҲАҚИДА

Узоқ умр кўриш наслий, генетик омилларга боғлиқ. Олимлар турли авлодлардаги хилма-хил оиларнинг умр кўриш салмоғини синчиклаб кузатиб кўрганлар. Улар дунёга келган фарзанднинг қанчалик узоқ умр кўриш-кўрмаслиги оталардан кўра оналарга кўпроқ боғлиқ, деган хулосага келганлар.

Аслида умримиз қисқа эмас, уни ўзимиз қисқартирамиз. Асаб тизимининг куч-қувватини ва ҳаётчанлигини сақловчи омиллар умрни узоқ қилади. Кишининг руҳини синдирувчи барча салбий воқеалар умрнинг қисқаришига сабаб бўлади. Ҳар хил кўнгилсизликлар, касаллик ва совуқ хабарларнинг салбий таъсир даражаси кучли. Бу нарсалар инсоннинг руҳияти, асаб тизими, юрагига қаттиқ таъсир қилади.

Ривоят қилишларича, бир ўлим тўшагида ётган шифокор шогирдларига узоқ умр кўриш учун мириқиб ухлаш, юғуриб туриш ва терлаб туриш керак, деган экан.

Беш нарса умрнинг узайишига сабаб бўлади, улар — ёқимли овоз, гўзал манзараларни томоша қилиш, фаровон ҳаёт, ширин сўзли хотин, мурод-нинг ҳосил бўлишидир, дейди донолар.

Узоқ умр кўрганларда руҳан соғломлик сезилади. Фаоллик, ҳушчаклик ва оғир психологик ҳолатдан сўнг тезда ўз аслига қайта билишлик ҳам уларга хос. Бефойда ҳаёт бевақт ўлим билан баробардир.

Муассис: «Миллий тикланиш» демократик партияси

MILLIY TIKLANISH — Миллий тикланиш — миллат келажаги

Таҳрир ҳайъати

ТЕЛЕФОНЛАР:
Қабулхона — 133-67-51
Бўлимлар — 136-58-73
Реклама ва эълонлар бўлими — 136-58-73

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.
Саҳифаловчи: Шерзод ҲАЙИТМУРОДОВ
Босишга топшириш вақти 20.00
Нашр кўрсаткичи — 158

Газета 014-рақам билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма: Г — 923.
Ҳажми 2 босма табоқ.
Адади 2108
Сотувда эркин нархда

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Манзил: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Босишга топширилди 20.15